

Карантин ҳолатида улуғлардан насиҳат



20:33 / 27.03.2020 3507

"Шуни ёдда тутингки, атрофингиз ёки маҳаллангизда бирор мухтож оч ҳолида ухламасин".

"Коронавирус ўта хатарли бир беморликдир. Соғлиқни сақлаш мутахассислари ва докторлар бир овоздан айтяптиларки, бу дардга чалинган бирор шахсга яқинлашиш, унинг кенг тарқалиб кетишига сабабдир. Карантин яъни, мукамал тарзда изоляция қилинишининг сабаби шуки, одамлар бир-бирларига яқин бормасинлар ва фақат ўз уйларида ўтирсинлар. Бу бир юқумли касалликдир.

Чунончи, ундан жуда оғир ижтимоъий зарар хавфи бор. Шариъат наздида ҳар ким ўзини ва ўзгаларни зарардан сақлашлиги зарурдир....

Бундай ҳолатда инсонийлик юзасидан динидан қатъий назар маҳалла ва атрофдаги мухтож ва қийналган ночор одамларга хос эътибор қаратилсин. Чунки, Аллоҳ таъолонинг ғзабидан нажот топишнинг бир катта воситаси мухтож ва ночор одамларга яхшилик қилишдир. Ҳадис шарифда марҳамат қилинганки, садақа Аллоҳнинг ғзабини ўчиради".

**Ҳинд уламолар жамияти раиси, Мавлоно Аршад Маданий
ҳафизахуллоҳ.**

Абдулқайюм Комил таржимаси.